O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 30 август пайшанба
Сотувда эркин нархда
№ 177-178 (2739-2740)

# АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА





## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

29 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпусининг вакиллари, чет эл ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлдилар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — котибиятни тузди ва сессия кун тартибини тасдиқлади.

Айрим сайлов округларида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот билан парламентнинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси Ш.Хўжаниёзова сўзга чиқди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сўз олди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон эришган мустақилликнинг чуқур аҳамиятини, мамлакатни демократия ва тараққиёт йўлидан мустақил ривожлантиришнинг ўтган ўн йил ичида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида содир этилган туб ўзгартишларнинг муҳимлигини таъкидлаб, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсонпарварлик, адолат, ҳуқуқий фуқаролик жамияти принципларига мувофиқ равишда эркинлаштириш масаласига алоҳида тўхталди (Маъруза матбуотда эълон қилинмоқда).

Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси Э.Воҳидов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Хоразм вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш.Хўжаниёзова, Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонасининг бош врачи Р.Муҳамадиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг ректори Н.Иброҳимов, "Қизилқумнодирметаллолтин" давлат концерни раиси Н.Кучерский мустақил Ўзбекистоннинг қарор топиши ва мустаҳкамланишида, мустақил ривожланишнинг ўтган йиллари мобайнида мамлакат эришган ютуқларда давлатимиз раҳбарининг улкан ролини алоҳида таъкидлаб, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштириш концепциясини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузаси юзасидан қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси молия вазири М.Нурмуродовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги маърузаси билан бошланди. Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов шу масала юзасидан қўшимча маъруза қилди.

(Давоми 3-бетда).

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам халқ депутатлари!

Аввало, барчангизни кириб келаётган энг улуғ, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллик айёми билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Ўтган ўн йиллик яқин тарихимизни сарҳисоб қилиш, барча соҳаларда эришган улкан ютуқларимизни таърифлаш, шу жумладан, камчиликларимизни ҳам холисона баҳолаш, бир сўз билан айтганда, шу давр мобайнида амалга оширган ишларимиз ҳақида ҳисобот бериш, уларнинг барчасини бир маърузада акс эттириш жуда мураккаб ва қийин вазифа эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Лекин мен бугун мана шу юксак минбардан туриб, сиз, муҳтарам халқ вакилларининг очиқ чеҳрангизга қараб, сиз орқали бутун халқимизга бир ҳақиқатни айтишни истардим.

Бу ҳақиқат шундан иборатки, асрлар давомида кўп-кўп қурбонлар бериб, машаққатли синовлардан ўтиб, мислсиз оғир кунларни кўриб, не-не йўқотишлар, зулм-зўравонликларни бошидан кечирган, аммо озод бўлиб, эркин бўлиб ҳур Ватанда яшаш учун кураш йўлидан қайтмаган халқимизнинг ана шу азалий армони айнан бизнинг кунларимизда рўёбга чиққани, бундай саодат барчамизга насиб этгани учун Яратганимизга минг-минг шукрона айтишимизни хоҳлардим.

Биз мана шу ўн йил давомида янги ҳаёт, янги жамият қуриш борасида оламшумул воқеаларга бой бўлган тарихий йўлни босиб ўтдик. Бу йўлда муваффақият ва қувончлар ҳам, изтироб ва машаққатлар ҳам бўлгани табиий, албатта.

Лекин биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар сари қатъият билан интилиб, тинимсиз меҳнат қилдик, ҳар қандай қийин шароитда ҳам танлаб олган йўлимиздан қайтмадик.

Айниқса, очиқ демократик давлат ва жамият қуриш мақсадида янгича бошқарув ва бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт тизими шакллангани ҳамда ўзимизга мос ва ўзимизга хос мустақил ривожланиш стратегиясини амалга ошираётганимиз, жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътибор қозонганимиз Ватанимизнинг буюк келажаги сари қўйилган муҳим қадамдир.

Мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида тезкор, замонавий, қудратли Қуролли Кучларимизни ташкил этганимиз ўз вақтида чуқур ўйлаб қилинган ишимизнинг тасдиғи бўлди, десак хато бўлмайди.

Миллий қадриятлар, эзгу анъаналар, тилимиз, муқаддас динимизнинг ҳаётдаги ўрни қайта тиклангани ҳам жамиятимиз қиёфасини ўзгартиришда, маънавиятимизни, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтиришда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Энг муҳими, кўпмиллатли Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик муҳити — бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканини юртимизда яшаётган ҳар бир миллат ва элат вакили ўзининг кундалик ҳаётида ҳис этиб турибди.

Бугун миллий истиқлол ғоясини ўзида тўлиқ мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги каби олижаноб мақсадлар атрофида сиёсий ва ижтимоий кучлар жипслашаётгани, элимизнинг иродаси, салоҳияти ва куч-қудрати сафарбар этилаётгани — буларнинг барчаси ҳаммамизни қувонтиради ва келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, биз танлаган тараққиёт модели, бозор иқтисодиётига таянган очиқ демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантирадиган янги ҳаёт барпо этиш ҳаракатларимизнинг, бир томондан — кўп асрлик тарих, буюк маданият, юксак миллий анъаналар, муқаддас қадриятларга, иккинчи томондан эса — жаҳон халқларининг энг илғор ютуқларини ўзида мужассам этган тажрибага асосланган йўлимизнинг тўғри эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Азиз дўстлар!

Ҳаётимизнинг бугунги босқичида демократлаштириш, тубдан янгиланиш жараёнлари жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олди, десак асло муболаға бўлмайди. Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичидаги бош стратегик вазифа — бу 2000 йил июн ойида қабул қилинган, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислоҳотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастурини амалга оширишдан иборат.

Бугун мен ана шу Дастурнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш масалаларига тўхталиб ўтмоқчиман.

Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш борасида муҳим қадамлар қўйилганини эътироф этмоқ лозим.

Бунинг натижасида мамлакатимизда замонавий демократия талабларига жавоб бера оладиган суд тизими шаклланмоқда.

Суд бугунги кунда аввалгидек ҳукмрон коммунистик тизимнинг қатағон ва жазолаш аппарати эмас, балки у ҳар бир инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли тарзда қўриқлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган чинакам мустақил давлат институтига айланмоқда. Фуқароларнинг судга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Юртимизда бу соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасидир.

Келинг, шу йўлда босиб ўтган босқичларни бир эслайлик.

1993 йили қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги биринчи Қонундаёқ айбсизлик презумпцияси, ҳимояга бўлган ҳуқуқ, суд жараёнидаги тортишув ва ошкоралик каби умумэътироф этилган тамойиллар белгилаб қўйилган эди. Улар кейин жиноий-процессуал, фуқаролик-процессуал ва бошқа кодекс ҳамда қонунларда ривожлантирилди.

Ислоҳотларнинг мана шу босқичида суд иш юритишининг, том маънодаги мустақил ва фақат қонун олдида жавоб берувчи суд тизимининг қонуний асослари яратилди. "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар, фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кучайтиришга, суд тизимини демократлаштиришга қаратилган бошқа қонунлар қабул қилинди.

Жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб, биринчи марта мамлакатимизда Конституциявий суд таъсис этилди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитидаги хўжалик муносабатларида қонунчиликни таъминлашда муҳим роль ўйнаётган хўжалик судлари тизими яратилди.

2000 йилда янги таҳрирдаги "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишда муҳим босқич бўлди. Унда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида орттирилган тажрибадан хулоса чиқарилди ҳамда судлар фаолиятининг янада демократлашуви ва такомиллашуви учун шароит вужудга келтирилди.

"Судлар тўғрисида"ги янги Қонуннинг моҳияти нимадан иборат?

**Биринчи ва энг асосийси** — давлат ҳокимиятининг бўлинишига оид конституциявий тамойилдан келиб чиқиб, ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи бўлган суднинг мустақиллигини таъминлашнинг мустаҳкам механизми яратилди.

Судьялик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ва муддатидан илгари тугатиш ҳақида тақдимномалар киритиш ваколатлари Адлия вазирлиги тасарруфидан чиқарилди. Бу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси зиммасига юкланди.

**Иккинчидан,** умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви қонуний мустаҳкамланди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича алоҳида судларни ташкил этиш механизми жорий қилинди.

Ҳаётнинг ўзи бу қарорнинг тўғрилигини кўрсатиб турибди. Судларнинг ихтисослашуви ишларни кўриб чиқиш сифатини оширмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатини кучайтирмоқда.

(Давоми 2, 3-бетларда).

## *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маърузаси юзасидан

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган ўн йили мобайнида амалга оширилган тарихий ўзгаришлар чуқур ва муфассал таҳлил этилган, келгусидаги демократик ўзгаришларга, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини чуқурлаштиришга, жиноят-ҳуқуқ сиёсатини либераллаштиришга доир асосий вазифалар белгилаб берилган маърузасини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасидаги концептуал қоидалар ва хулосалар маъқуллансин ҳамда улар Олий Мажлиснинг келгуси фаолиятида инобатга олинсин.

2. Маърузанинг жиноий жазоларни либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ҳамда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш сари қаратилган йўлни ҳаётга татбиқ этишга доир дастурий хулосалари прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар фаолияти учун асос қилиб олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, барча даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органларига, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларига мустақиллик ва демократия қўлга киритган ютуқларни ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ҳамда тотувлигини таъминлаш ишларини кучайтириш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 29 август.

## «ЯНГИ МЕҲМОНЛАР»НИНГ ЯНГИ УЙИ

**Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик байрами арафасида Зангиота тумани марказий шифохонасига қарашли туғруқхона мажмуи фойдаланишга топширилди.**

Шу вақтгача Тошкент шаҳрининг шундоққина биқинида жойлашган туманда ростмана туғруқхона йўқ эди, десангиз ҳеч ким ишонмайди. Бир ҳисобда ишонмай тўғри қилишади. Негаки, туғруқхона бор, фаолият кўрсатаётганди ҳам. Аммо уни туғруқхона дейишга тил бормасди. «Янги меҳмонлар уйи» ҳеч қандай шароит яратилмаган эски мактаб биносида жойлашган эди.

«Эскини ямаб эси кетган» шифокорлар, мана, ниҳоят, янги бинога кўчиб ўтди. Туғруқхона учун ажратилган, «Алгоритм» заводига қарашли беш қаватли бино замонавий услубда таъмирланди. Қисқа давр ичида қурувчилар бу ерда 20 миллион сўмлик иш бажарди.

— Туғруқхона мажмуи 105 ўринга мўлжалланган, — дейди туман марказий касалхонаси бош шифокори Х.Эргашева. — Бу ерда оналар ва болалар учун барча шароитлар мавжуд. Жумладан, гинекология, реанимация, туғруққа тайёрлов бўлими, ҳомиладор аёллар патологияси бўлими, туғруқ бўлими, туғруқдан кейинги реабилитация бўлими, қон қуйиш ва лаборатория бўлимлари фаолият кўрсатмоқда.

Туғруқхона мажмуининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.Ғуломова иштирок этди.

**Л.СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*«Ватан ягонадир, Ватан биттадир»*

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

**Маълумингизким, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари шу йил бошида республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» мавзуида республика ижодкорлари танловини эълон қилган эди.**

Танлов эълон қилинган кундан эътиборан, таҳририят ва Марказга муштарийларимиздан кўплаб публицистик, танқидий-таҳлилий мақолалар, очерклар, шеър, достон ва ҳикоялар, фотосуратлар кела бошлади. Ҳақиқатан ҳам, уларда мустақил Ўзбекистоннинг 10 йиллик шарафли йўли турли жанр ва услубларда мадҳ этилди, энг муҳими, замонамиз қаҳрамонларининг қиёфалари бадиий бўёқларда ўз аксини топди. Уларнинг сони юздан ошиб кетди. Энг яхши деб топилганларининг 50 таси «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинди.

Яқинда ҳакамлар ҳайъати танловга келган барча материалларни кўриб чиқиб, танловнинг ғолибларини аниқлади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари саҳифаларида «Асрга татигулик йиллар» — «Праздник свободы: шаг за шагом» туркумида берилган 1991-2001 йиллар солномасини ёзган муаллифлар гуруҳи танловнинг **биринчи мукофоти**га сазовор бўлди.

**Иккинчи мукофот** Ўзбекистон халқ шоири, марҳум **Муҳаммад ЮСУФ** («Муҳаммадқодир» шеъри учун) ва «Народное слово» газетасининг шарҳловчиси **Вадим Гладилов** («Тўққиз қаватли маҳалла» мақоласи учун)ларга берилди.

Профессор **Муҳаммад Қуронов**нинг «Замонамиз қаҳрамони», журналист **Бахтиёр Ризо**нинг «Миллат қуёши», «Ҳурлик мўъжизалари», республика Прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари **Мухтор Шодмонов**нинг «Ўзлигингни асра, ўзбегим» номли публицистик чиқишлари **учинчи ўрин**га муносиб деб топилди.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар** эса журналист **Қутлибека Раҳимбоева** («Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар»), «Халқ сўзи» газетасининг Қорақалпоғистондаги мухбири **Янгибой Қўчқоров** («Оролбўйи — киндик қоним томган ер»), «Народное слово» газетаси мухбирлари **Михаил Егоров** («Ўз бахтини кўриш») ва **Татьяна Орлова** («Саҳро устидаги қўшиқ») ҳамда **Тоҳиржон Ҳамроқулов** (туркум суратлари учун)ларга насиб этди.

Танловда иштирок этган барча ижодкорларга миннатдорчилигимизни билдирган ҳолда, уларни кириб келаётган энг азиз, энг улуғ байрамимиз — Мустақиллик куни билан табриклаймиз, уларга сиҳат-саломатлик ва ижодий баркамоллик тилаймиз.

**ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИ.**

# АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Учинчидан**, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш вазифаси махсус ваколатли мустақил орган — Адлия вазирлиги қошидаги Суд департаменти зиммасига юклатилди. Бу департамент судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритиши белгилаб қўйилган.

**Тўртинчидан**, "Судлар тўғрисида"ги аввалги Қонундан фарқли ўлароқ, янги Қонун асосида суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди.

Мазкур Қонунга мувофиқ:

судьялар заҳираси судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, муассасалар, ташкилотлар, судьяларнинг жамоатчилик бирлашмалари аъзоларининг таклифи асосида судьяларнинг малака (квалификацион) ҳайъатлари томонидан шакллантирилади;

судьялик лавозимига номзодлар ҳақидаги таклифлар Суд департаментида жамлаб борилади, унинг зиммасига судьялик лавозимига номзодларнинг ҳужжатларини йиғиш ва тайёрлаш, суд кадрлари малакасини ошириш вазифаси юклатилади;

номзодларни муқобиллик асосида кўриб чиқиш ҳамда судьялик лавозимига тайинлаш ҳақида тақдимнома киритиш судьялардан, Олий Мажлис депутатларидан, ҳуқуқшунос олимлардан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда нодавлат ташкилотларининг вакилларидан иборат таркибда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тузилган Судьяларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси томонидан амалга оширилади.

Суд кадрларини танлаш ва тайинлашга доир яратилган тизим суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини, судьялик лавозимига тайинлашда холисликни таъминлайди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий ҳужжат ҳисобланган "Судлар тўғрисида"ги янги Қонунга мувофиқ, жиноий-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчилигига ўзгартиришлар киритилди.

Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий қилинди. Бу суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд иш юритишида сансалорликка йўл қўйилмаслигининг муҳим кафолати бўлди.

Янги қонунга мувофиқ, апелляция инстанцияси суди ишни қайта кўриб чиқиш учун судга юбормасдан, ўзи мазмунан кўриб чиқишга ҳақли.

Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини юқори судлардаги кассация инстанцияларида кўриб чиқиш тартиби ҳам ислоҳ қилинди. Фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини кассация инстанцияси судининг мажлисида ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Бунда ҳимоя билан айблов ҳуқуқий жиҳатдан тенглаштирилди.

Фуқароларга суд қарорлари устидан апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш йўли билан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули, танлаш имконияти берилди.

Суд тизими билан бир қаторда жамиятда қонунийликни ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи Ички ишлар вазирлиги, Прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳам чуқур ислоҳотлар рўй бермоқда.

Азиз дўстлар!

Шубҳасиз, ҳаётимиздаги барча тармоқ ва жараёнларда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар қаторида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ҳам жорий қилинаётган ислоҳотлар ўзининг самараси ва натижасини бера бошлади.

Энг муҳими, бу ислоҳотлар ижтимоий ҳаёт ва давлат қурилишининг демократик ўзгаришлар йўлида босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлади.

Лекин, шу билан бирга, шуни таъкидлашимиз зарурки, ижтимоий тараққиёт одимлари, жамиятимизда рўй бераётган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган демократик жараёнлар суд-ҳуқуқ тизимига жорий қилинаётган ислоҳотларни танқидий баҳолаб, уларни янада чуқурлаштиришни ва қатъиятлик билан олиб боришни талаб этмоқда.

Шуни очиқ-ойдин тан олиш лозимки, бу соҳада эришилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон совет тизимининг асоратлари сезилмоқда. Аниқроқ айтганда, суд фаолиятига доир қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга борган сари мослаштирилаётган бўлса-да, **афсуски, судьялар,** прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, **қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқараши ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти.**

Буни очиқ тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз — ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутилишдир.

Энг аввало, жазолашнинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур.

Маълумки, совет қонунчилигида иқтисодий жиноятларда ҳимоя қилинадиган асосий субъект бўлиб давлат субъекти ҳисобланган. Шунинг учун ҳам давлатга зарар етказиш ҳолларига ўта оғир жиноят сифатида қаралган ва бунга йўл қўйган шахслар ўта шафқатсизлик билан жазоланар эди. Хусусан, жуда катта миқдорда давлат мулкини ўғирлаган ёки пора олган жиноятчи шўро даврида амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ ўлим жазосига ҳукм қилинар эди.

Мисол учун, 1986 йилда СССР Олий суди Ўзбекистоннинг собиқ пахта тозалаш саноати вазири Ваҳобжон Усмоновни ноқонуний тергов усулларини қўллаб олинган сохта гувоҳликлар асосида катта миқдорда пора олганликда айблаб, ўлим жазосига ҳукм қилган эди. Суд ҳукми ижро этилиб, орадан 12 йил ўтгач, 1998 йилда В.Усмонов батамом оқланди, жиноий иш эса унинг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби йўқлиги сабабли ҳаракатдан қолдирилди.

Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади.

Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутила олмаяпмиз. Суд-тергов тажрибасида баъзан умуман тоқат қилиб бўлмайдиган мантиқсизликларга йўл қўйилмоқда.

Жамият учун унчалик хавфли бўлмаган қонунбузарликни содир этган шахс судларимиз томонидан амалдаги қонунларимизга кўра, беш йил ёки ундан ҳам кўп муддатларга озодликдан маҳрум этилади.

Масалан, Фарғона вилояти, Охунбобоев тумани суди томонидан 20 ёшли Моргунов болалар боғчаси ошхонасидан 8600 сўмлик идиш-товоқ ўғирлагани учун, гарчи бу нарсаларни эртаси куниёқ қайтариб олиб келган бўлса-да, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида балоғат ёшига етмаган Р.Абдуллаев ўгай онасининг 3300 сўм пулини ўғирлагани учун қамоққа олинган. Навоий вилояти Хатирчи тумани ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан фуқаро Ш. Исматов харидордан 190 сўм ортиқча пул олгани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган.

Тошкент шаҳар, Бектемир тумани тергов органлари томонидан 19 ёшли Ҳожирасулов 25 килограмм гилос ўғирлагани учун жиноий жавобгарликка тортилган ва қамоққа олинган.

Бундай мисоллар, биринчи навбатда, қонунчилигимизда ва қонунларни жорий этиш амалиётининг айрим қисмларида бугун бизнинг қарашларимизга номаъқул бўлган тажрибалар қўлланилаётганини кўрсатади.

Бундай ҳолларда қонунни бузган одамдан уни такрорламаслик ҳақида тилхат олиш, гаров каби бошқа эҳтиёт чораларини, жарима каби жазоларни қўллаш ўзини оқлашини унутмаслик керак. Афсуски, юқоридаги ҳар бир ҳолатда тергов органлари энг оғир эҳтиёт чораларини қўллаган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Шу йилнинг июн ойида менинг топшириғим бўйича тергов ҳибсхоналарида ўтказилган текширув натижасида кўплаб ана шундай фактлар аниқланди. Жамият учун хавфли бўлмаган жиноятларни содир этган, илгари судланмаган ва ҳатто етказилган моддий зарарни тўла қоплаган шахслар қачон суд мажлиси бўлишини кутиб, ойлаб ҳибсда сақланган. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида бир ой ичида тергов ҳибсхоналаридан икки минг нафардан зиёд ана шундай шахслар озод қилинди.

Бундай ҳолатларнинг ҳар бири ортида тирик жон, бизнинг ватандошимиз, унинг алам-изтиробларини бирга тортаётган ўғил-қизлари, оиласи, қариндош-уруғлари борлигини, минг афсуски, унутамиз.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Бу фактлар, аввало, шундан гувоҳлик берадики, тергов органлари жиноятларнинг содир этилишига олиб келган ҳақиқий сабаб ва шарт-шароитларни, ҳуқуқбузарнинг шахси ва уни жиноятта ундаган омилларни ҳар доим ҳам пухта ўрганмайди.

Терговни зўравонлик билан олиб бориш, яъни олдин ҳибсга олиб, жамиятдан ажратиб, кейин унинг айбини исботлашга киришишдек ўтган замондан қолган ярамас тажрибага ҳали-ҳануз барҳам берилмаган.

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда.

Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукаммалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, таъмагирлик мақсадларига эришишга уринади. Бундай ходимлар халқ ҳақида, давлатнинг обрўси ва фаровонлиги ҳақида мутлақо ўйламайди.

Энг хавфлиси шундаки, одамлар тақдирига бепарволик, номақбул иш усуллари оқибатида биз оддий, умуман олганда, қонунга итоат этувчи, лекин қонундан бироз чекинган фуқароларни нотўғри жазолаб, улардан ҳокимиятга ҳам, қонунга ҳам ишонмайдиган норози одамлар тоифасини ўз қўлимиз билан яратамиз.

Сир эмас, бунинг оқибатида фуқароларнинг айнан ана шундай қатламидан, айниқса, ёшлардан ашаддий жиноятчиларнинг пайдо бўлишига ўзимиз сабабчи бўламиз.

Сўзсиз, ўз номига доғ тушираётган бундай ходимлардан қатъий воз кечиш керак. Шу билан бирга, айрим қонун нормаларини, биринчи навбатда, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган қонун нормаларини қўллаш ҳолатларини танқидий баҳолашимиз лозим.

Ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимини қайта кўриб чиқишимиз зарур, деб ҳисоблайман.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

**Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ.**

Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Шу билан бирга, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади, деб ўйлайман.

Бугун жиноят учун жазо тайинлаш борасида юқорида келтирилган ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди. Жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигини ўзгартириш бўйича ушбу сессияга тақдим қилинган таклифларни бу соҳадаги дастлабки қадамлар, деб қабул қилиш керак.

Табиий бир савол туғилади: уларнинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат? Уларни қабул қилиш билан нима ўзгаради?

**Биринчидан,** сизлар яхши биласизлар, амалдаги жиноят қонунчилигимизда барча жиноятлар, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, тўрт гуруҳга бўлинади. Эслатиб ўтаман: булар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар Жиноят кодексидаги жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ёки бошқача айтганда, 18,7 фоизини ташкил этади.

Бугун жиноят қонунчилигини эркинлаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш мақсадида яна 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятларни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилмоқда. Шундай қилиб, Жиноят кодексидаги жиноятлар таркибининг 42,8 фоизи ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноятлар ҳисобланади.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши тергов ва суд органларининг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради.

Жиноятнинг бундай тоифасини содир этгани учун судланиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жазони колония жойларида қўриқчисиз ўтайди, эркин юриш ҳуқуқига, қариндош-уруғлари ва яқинлари билан чекланмаган миқдорда учрашиш ва бошқа бир қатор имтиёзларга эга бўлади.

12 турдаги жиноятни оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига, етти турини эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказиш таклиф этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ўзгартишлар жазони ўташ режимига таъсир кўрсатади. Жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тартибини қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар тақдирини сўзсиз анча енгиллаштиради.

Жиноятларни белгилаш қоидаларининг ўзгартирилиши Жиноят кодексимизнинг умумий йўналишини том маънода ўзгартиришга ва уни ҳуқуқий-демократик давлат тамойилларига мослаштиришга имкон беради.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: тасдиқлаш учун таклиф этилган ўзгаришлар жиноятлар таркибининг 73,1 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ва фақат чорак қисмигина оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига ўтказилади.

**Иккинчидан,** жиноят қонунчилигида иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу — қонунчилигимизда иқтисодий соҳадаги жиноятлар ва унинг учун жавобгарлик тушунчасини замон талабига мос равишда идрок этишга асосланган янгича ёндашувдир.

Бунинг моҳияти нимада? Озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима турини қўллашни кенгайтириш, жарима миқдорини ошириб, энг аввало, етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чораларидан фойдаланиш таклиф этилмоқда.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров, тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олиш ва бошқа чоралардан фойдаланиш маъқулдир. Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий жиноят содир этганликда айбланувчи ўзининг судга қадар қамалмаслигини аниқ билса, тергов ва суддан яширинишга ҳаракат қилиб ўтирмайди.

Бугунги кунда судлар томонидан тайинланаётган жазо чоралари ичида жарима жазоси атиги 8,3 фоизни ташкил этади, уни қўллаш даражаси эса пасайиб бормоқда.

Айни пайтда жиноят содир этган ҳар икки шахсдан бирига озодликдан маҳрум қилиш чораси қўлланилмоқда. Жазо чораларига доир таклиф этилаётган ўзгаришлар жиноятлар таркибининг 87 тасига тааллуқли бўлиб, жиноят қонунининг жазолаш таъсирини камайтиради.

Шу билан бирга, жавобгарлик доирасини янада аниқроқ белгилаш ва унга алоҳида ёндашув ҳисобига жазонинг тарбиявий аҳамиятини ва унинг самарасини ошириш имконини ҳам беради.

Жиноят кодексининг бешта моддасига, агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик ҳақидаги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Ўйлайманки, жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллашни кенгайтириш жиноят қонунчилигимизни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлади.

**Учинчидан,** бутун жаҳонда муҳокама этилаётган муҳим масалалардан бири — ўлим жазосининг жиноий жазо чораси сифатида қолаётганлиги билан боғлиқ муаммодир.

Айрим мамлакатларда ўлим жазоси тақиқланган, баъзиларида эса унга нисбатан мораторий эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида жаҳон ҳамжамиятининг ушбу муаммога муносабати аниқ-равшан баён қилинган: "Ўлим жазоси масаласида кўзда тутиладиган асосий мақсад, — дейилади ушбу ҳужжатда, — бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозим".

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос бўлиб, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.

Бинобарин, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида муносабатда бўлиб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, 1994 йили Жиноят кодекси қабул қилинганида, 13 та моддада жазо чораси сифатида ўлим жазоси кўзда тутилган эди. 1998 йили бу жазо тури Жиноят кодексининг бешта моддасидан олиб ташланди.

Яъни, бугунги кунда ўлимга ҳукм қилиш мумкин бўлган моддалардан фақатгина саккизтаси қолдирилган. Бугун улардан яна тўртта моддасини қисқартириш таклифи киритилмоқда.

Таклиф этилаётган муайян ўзгаришлар қабул қилинган ҳолда, фақат тўрт турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлади. Агрессия, геноцид, террорчилик шулар жумласидан ҳисобланиб, халқаро нормаларга мувофиқ, улар энг оғир жиноят сифатида қаралади ва ўта қаттиқ жазо тайинлашни тақозо этади.

Яна битта сақланаётган модда — қасддан одам ўлдириш ўта оғир жиноятлар қаторига киради ва оғирлаштирувчи ҳолатларда бундай жиноятни содир этадиганларга ўлим жазоси қўлланилиши мумкин.

Бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: инсон ҳаёти Худо томонидан ато этилган улуғ неъмат экан, демак, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одамни ҳаётдан маҳрум этиш ўлим жазосига лойиқдир.

**Тўртинчидан,** қонунчилигимиздаги жиноий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазосини қўллаш тартибини қайта кўриб чиқиш таклиф этилмоқда.

Сизларга яхши маълумки, бошқа турдаги жиноий жазоларга қўшимча сифатида қўлланадиган ушбу жазо туридан шўролар даврида кенг фойдаланилган эди. Бундан кўзланган мақсад битта: яъни, одамни бутунлай синдириш, руҳан эзиш, уйидан, рўзғоридан айириш ва яна энг номақбули, оиласи, фарзандларини асосий тирикчилик манбаидан маҳрум этиш эди.

Халқимиз марказдан келган "десант"чи терговчилар "пахта иши", "ўзбеклар иши" каби сохта айбловлар асосида минглаб мутлақо бегуноҳ кишиларни қамоққа ташлаган оғир кунларни бошдан ўтказди. Ана шу кезларда одамларнинг мол-мулкини рўйхатга олиш каби таҳқирловчи, ғайриинсоний хатти-ҳаракатлар кўплаб содир этилди. Судланувчиларнинг хотинлари, бола-чақалари бамисоли кўчага ҳайдалиб, турли хўрлаш ва камситишларга дучор этилди.

Бундай ишларни амалга оширган "десант"чиларнинг ўзлари эса катта минбарларга чиқиб, демократия ва ошкоралик, қайта қуриш ва инсон ҳуқуқлари ҳақида бор овоз билан дунёга жар солди. Аслида ҳибсга олинган ва маҳкум этилганларнинг болалари ва қариндошлари моддий ва маънавий нуқтаи назардан ноҳақ бадном бўлиб, ана шу тазйиқлар тамғасини бир умр кўтариб юришга мажбур бўлдилар.

Мана, бугун замон ўзгарди. Ҳаёт ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Аммо ўша даврдаги эскича қарашлар асорати муайян масалаларга ёндашувда, шу жумладан, қонунчилигимизда, ҳуқуқий нормаларни қўллаш амалиётида баъзан кўзга ташланиб қолмоқда.

Табиийки, жиноий йўл билан орттирилган мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарарни мол-мулк ҳисобидан ундиришга доир қонун нормалари ўз кучида қолади. Аммо қонунни бузган оила бошлиғининг қилмиши учун унинг хотини, бола-чақаси азият чекмаслиги ва жавоб бермаслиги керак.

Инсон ҳуқуқининг моҳияти ҳам, авваламбор, мана шундадир. Биз синфий кураш ғояларига, давлат манфаатларининг мутлақ устунлигига асосланган ва ҳали-бери онгимиздан батамом йўқ бўлиб кетмаган коммунистча ёндашувлардан воз кечишимиз керак.

Яъни, агар бирор бир оила бошлиғи қонунни бузишда айбланадиган бўлса, унинг бутун оиласи ва яқинлари ҳам жиноят тамғаси ва шармисорлик азобини кўтариб юришига қаршимиз. Биз отанинг номуносиб хулқи учун оила аъзолари, энг аввало, ҳаётга ёруғ ният ва катта умидлар билан эндигина қадам қўяётган ёшларнинг жамиятдан узилиб қолишига асло йўл қўймаслигимиз керак. Бу — бизнинг бош мақсадимиздир.

**Бешинчидан,** биз вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланадиган жазо тизимини қайта кўриб чиқмоғимиз зарур. Бизнинг жиноят қонунчилигимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган ҳолда, жиноят содир қилган аёллар ва вояга етмаганларга нисбатан жазо тайинлашда бир қатор енгилликларни назарда тутади.

Ишончим комилки, бу борадаги эркинлаштириш жараёнини изчил давом эттиришимиз зарур.

Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик — бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш — аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади.

Бугунги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятлар миқдорининг 4 фоизини, аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар эса қарийб 11 фоизни ташкил этади. Жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётганлар умумий миқдорининг бир фоизи вояга етмаганлар, 2,3 фоизи эса аёллардир.

Шуни барчамиз англаб олишимиз муҳимки, колониялардаги ишлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир, бу ер ёшларни тарбиялайдиган жой эмас.

Кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигит айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллай бошлайди.

Бугун Жиноят кодексига киритиш учун тавсия қилинаётган ўзгартиришлар олтмиш ёшдан ошган эркакларга ва аёлларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги юқори жазо муддатларини ҳам камайтиришга қаратилган. Бу тоифадаги кишиларга бирор-бир жиноят учун бериладиган жазо қонунда назарда тутилган энг юқори муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмайди.

Яна бир муҳим ўзгаришга эътибор беришингизни истардим. Вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлламаслик таклиф этилмоқда.

Шу билан бирга, сессия муҳокамасига киритилган таклифларда ёши олтмишдан юқори бўлган эркакларга ўлим жазосини қўллаш амалиётини тақиқлаш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Нега деганда, фарзандлари, неваралари бор, соч-соқоли оппоқ қарияни ҳаётдан маҳрум этиш бизнинг миллий анъаналаримизга мутлақо тўғри келмайди. Кексаларни эъзозлаш, уларга мурувват кўрсатиш ва ғамхўрлик қилиш халқимизнинг ўзига хос бетакрор ва бебаҳо инсоний фазилатларидан ҳисобланади.

Ёши бир жойга борганида жиноятга қўл урганлар, майли, яхшиси, Оллоҳни ёдга олиб, унга илтижо қилсин, яқин орада Яратганнинг ҳузурида ўз қилмишларига яраша ҳисоб бериши муқаррарлиги ҳақида ўйласин. Майли, хоҳ тўғри, хоҳ нотўғри ишлари учун улар вақти-соати келиб, невара-чеваралари, келгуси авлодлари олдида жавоб бериши лозимлиги ҳақида ўйласин.

**Олтинчидан,** жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш долзарб вазифаларимиздан бири бўлиб турибди.

Чунки тергов ҳамда суд амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу соҳада ҳозир ҳам хато-камчиликлар талайгина.

Баъзан бирон-бир иш ойлаб, йиллаб тергов идоралари томонидан текширилади, сўнгра судда кўрилиши учун яна навбат кутиб ётади.

Амалдаги қонунларга кўра, жиноят ишларини дастлабки тергов қилиш икки йилгача, айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддати эса бир ярим йилгача узайтирилиши мумкин. Ҳолбуки, бу муддатнинг ҳар бир куни ҳукм чиқарилишини кутаётган одам учун, айниқса, у қамоқхонада ўтирган бўлса, жазонинг ўзидан ҳам оғирроқдир.

Шу муносабат билан Жиноят кодексига тергов қилиш ва ҳибсда сақлаш муддатларини тўққиз ойга қадар камайтириш бўйича ўзгартиш киритиш катта аҳамият касб этади.

Яна бир янгилик. "Жабрланувчи билан ярашув" тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процесси қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади.

Хўш, бу ерда гап нима ҳақда бормоқда?

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади.

Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган, деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриш учун сарфланадиган муддатлар қисқаради. У узоғи билан уч ҳафтагача чўзилиши мумкин.

Ҳурматли депутатлар!

Бугун кўриб чиқилаётган Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлар жиноий ишларга тааллуқли қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим ва масъулиятли қадамдир.

Айни чоғда, шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, биз бу ишни амалга оширадиган идоралар фаолиятини тубдан ўзгартирмас эканмиз, бу қонун нормалари тўла-тўкис ишламайди ва ижобий самара бермайди.

Шунинг учун ҳам ушбу сессияда "Прокуратура тўғрисида"ги қонун лойиҳасини талабчанлик ва синчковлик билан, принципиал нуқтаи назардан кўриб чиқиш ғоят муҳим. Лойиҳа учинчи ўқишда муҳокама этилмоқда.

Бу бир жиҳатдан табиийдир. Негаки, прокуратура қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислоҳотларни ўтказишда, ҳуқуқий давлат, демократик жамият қуриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу боис "Прокуратура тўғрисида"ги қонунни мукаммал ишлаб чиқиш ўта муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Ўз навбатида бунинг бошқа сабаблари ҳам бор. Эсингизда бўлса, олдинги сессия муҳокамасига киритилган ушбу қонун лойиҳаси бугунги ҳаёт тақозо этаётган ўзига хос принципиал ўзгаришларни тўла қамраб олмаган эди. Унда моҳиятан прокуратура фаолиятининг маъно-мазмуни ҳар томонлама ва чуқур акс эттирилмаган эди.

Жиддий равишда қайта ишланган, бугун қайта кўрилаётган қонун лойиҳасида муҳим ўзгаришлар ва замон талабларига жавоб берадиган янгиликлар киритилган.

Аввало, бу янгиликлар нимага қаратилган?

**Биринчидан,** шуни афсус билан тан олишимиз керакки, прокуратуранинг қонунлар бажарилишини назорат қилиш бўлинмаларининг иши ўзининг ижобий ва яратувчанлик ролини йўқотиб, кўпинча жазолаш хусусиятларини касб этмоқда.

Прокурорларнинг фаолиятида қонунларни ўзбошимчалик билан талқин этиш ҳоллари ҳам учраётгани, айниқса, ташвиш ва хавотир уйғотади.

(Давоми 3-бетда).

# АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1, 2-бетларда).

Яна бир ўз ечимини кутаётган муаммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг барчасига тааллуқлидир. У ҳам бўлса, ушбу касбни танлаган айрим ходимларнинг махсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриш-туриши, хулқ-атвори ўзгариб қолади. Уларнинг онгида “Биз — давлатнинг ўта ишончли одамларимиз, қолганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос” деган кайфият пайдо бўлади.

Бу, ахир, ўтмишга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик асорати эмасми? Оддий одамларда ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан гоҳида ишончсизлик туғилишининг сабаби ҳам шунда эмасми?

Аксарият ҳолларда жамоатчилик билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида девор пайдо бўлиши ҳам ана шундай манманлик, ўзгаларни менсимаслик туфайли келиб чиқади.

Давлат муассасалари, биринчи навбатда, прокуратура ходимлари бир ҳақиқатни қулоғига қуйиб олсинки, улар ҳам мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ. Уларни шу халқ, шу жамият тарбиялаб вояга етказган. Бас, шундай экан, прокуратура ходимлари уларни назорат қилиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак.

Яна ва яна такрорлаб айтмоқчиман: прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур.

Жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги босқичида, яъни мамлакатда бозор муносабатларини тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асослари, фуқароларни ва хўжалик субъектларини суд-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш институти барпо этилаётган бир пайтда прокурорлик назорати тизимига ҳам ўзгаришлар киритиш вақти келди.

Боз устига, прокуратура органларининг хўжалик фаолиятига ўринсиз аралашуви иқтисодий ислоҳотлар йўлида ғов-тўсиққа айланмоқда.

Қисқача қилиб айтганда, замон талабларига қараб, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳасига прокурорлар ваколатини чеклайдиган бир қанча ўзгартишлар киритилмоқда.

Хусусан, қонун билан белгиланган прокурорлик назорати объектлари қаторидан фуқаролар чиқарилмоқда.

Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назоратининг объекти ҳисобланади.

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолатларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контроль органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу — прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир.

Амалдаги процессуал қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтирилган янги таҳрирдаги қонунга кўра, прокурорлар суд қарорлари ижросини тўхтатиш ҳуқуқига эга эмас.

Бундай қоида бошқа янги ўзгартишлар қаторида судларнинг мустақиллигини таъминлаб, суд ва прокуратура ваколатлари ўртасидаги тегишли мувозанатни ўрнатишга ёрдам беради.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририда прокурорларнинг ижро этиш учун мажбурий бўлган “предписание”, яъни амрнома киритиш ваколати ҳам олиб ташланди.

Чунки, тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу ваколат прокуратура идораларига контроль органлари вазифасини амалга ошириш ва хўжалик субъектларининг фаолиятига аралашиш учун замин яратиб келмоқда.

Қолаверса, қонуннинг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича прокурорларда бошқа таъсир чоралари ҳам етарли.

Прокурорлар ваколатига тааллуқли бир қанча ўзгартишларни Жиноят-процессуал кодексига ҳам киритиш таклиф этилмоқда. Тергов қилиш муддатларини қисқартириш, жиноий ишларни тергов қилишда сифат ва тезкорликни ошириш мақсадида шаҳар ва туман прокурорларини тергов ва айбдорларни қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш таклиф этилмоқда.

Кўрсатилган ва белгиланган муддатларни узайтириш ҳуқуқлари вилоят прокурорлари, мамлакатимизнинг Бош прокурори ва унинг муовинларига берилган. Умумий узайтириш муддати, яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман, 9 ойдан ошмаслиги керак.

**Иккинчидан,** “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокуратура фаолияти устидан самарали, биринчи галда, жамоатчилик томонидан назорат ўрнатишни таъминловчи механизмлар мустаҳкам белгилаб қўйилиши лозим.

Мамлакатимиз Конституциясида прокуратура ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисоб бериши белгилаб қўйилган. Аммо бу нормани амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий механизмлар ҳанузгача яратилмаган эди. Бу соҳадаги ҳуқуқий бўшлиқ кўп ҳолларда прокуратура ходимлари ўртасида ўзбилармонлик ва шунга ўхшаган номаъқулчиликларга сабаб бўлди.

Қонунчиликка амал қилиниши устидан назорат ўрнатиши керак бўлган тизимнинг ўзида турли суиистеъмоллик ҳолатлари, порахўрлик каби иллатларнинг мавжудлиги мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир.

Сўнгги бир ярим йил ичида 500 га яқин ходим интизомий жавобгарликка тортилган, прокуратура идоралари обрўсига путур етказувчи хатти-ҳаракатлари учун 44 киши эгаллаб турган лавозимидан озод этилган. Шулардан 9 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасига прокуратура фаолияти устидан назоратни кескин кучайтирувчи қоидалар киритилди.

Қонун лойиҳасига Конституциявий суд томонидан Бош прокурор қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва амалдаги қонунчиликка мослиги устидан суд назоратини ўрнатиш механизми ҳақидаги қоиданинг киритилиши жуда тўғри бўлган, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасига вилоят, туман ва шаҳар прокурорлари қонунчиликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг аҳволи тўғрисида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига мунтазам равишда ахборот бериб туриши шарт эканлиги ҳақидаги қоида ҳам киритилди.

Ушбу ҳужжатда прокурорлар ишини қонунчилик асосида баҳолашнинг аниқ мезонларини белгилаб берадиган нормалар ҳам илк бор кўзда тутилмоқда. Улар прокурорларни лавозимларга тайинлашда ҳисобга олинади.

Прокурорлар фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади.

Муҳтарам депутатлар!

Ижозатингиз билан юридик кадрлар ва биринчи навбатда, прокуратура органлари учун мутахассислар тайёрлашнинг амалдаги тизими, унинг камчиликлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бугун ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш бир қатор ўқув муассасаларида — Тошкент давлат юридик институтида, Қорақалпоғистон, Самарқанд ва Фарғона давлат университетларининг юридик факультетларида, бошқа ўқув даргоҳларида амалга оширилмоқда.

Холисона тан олиш керакки, сўнгги йилларда ўқув жараёнини, ўқитиш услуби ва шаклларини такомиллаштириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, кадрлар сифатига жиддий эътироз билдириш учун бизда ҳамма асослар бор. Хусусан, малакали ҳуқуқшуносларни тарбиялаш иши ҳамон эскича олиб борилмоқда, ўқитиш дастурларининг сифати, айниқса, ҳуқуқнинг янги устувор йўналишлари бўйича, замонавий талабларга жавоб бермайди.

Уларда эскича ёндашув ва тамойиллар ҳали-ҳануз сақланиб қолмоқда. Ўқитувчиларнинг ўзини қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш тизими ҳамон паст савияда қолмоқда. Улар ўз маҳоратларини ошириш устида деярли ишламайди.

Андижон ва Наманган давлат университетларида бор-йўғи учтадан фан номзодлари ишлайди, фан доктори илмий даражасига эга бўлган бирорта ҳам ўқитувчи йўқ. Шунга қарамай, бу ўқув юртлари ўз битирувчиларига ҳуқуқшунос деган университет дипломларини бермоқда.

Ихтисослашган юридик адабиётларни, дарслик ва услубий қўлланмаларни нашр этиш иши ҳам мутлақо талаб даражасида эмас.

Лўнда қилиб айтганда, таълим жараёни ҳамда юридик амалиётни илмий жиҳатдан таъминлаши лозим бўлган ҳуқуқшунослик фани замон талабларидан орқада қолган.

Биз бугунги кунда ҳуқуқшунослик институтидан, унинг профессор-ўқитувчиларидан суд-ҳуқуқий ҳамда юридик тизимни такомиллаштиришга доир бирорта йирик ташаббус чиққанини эслай олмаймиз.

Мамлакатимизда ҳуқуқшунослик соҳасидаги муҳим муаммоларга оид фундаментал тадқиқотларни ташкил этадиган ҳамда мувофиқлаштирадиган республика Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ институти бу соҳадаги янгиликлардан ортда қолиб, амалда бу борадаги фаолиятини деярли тўхтатган. Янгича ҳуқуқшунослик мактаби бизда, афсус билан таъкидлаш керакки, ҳанузгача шаклланган эмас.

Айни вақтда биз юридик кадрлар тайёрлайдиган ўқув ва илмий марказлардан, авваламбор, Адлия вазирлигидан улар ўзларига қўяётган талабларни қайта кўриб чиқишни кутишга ҳақлимиз.

Тошкент давлат юридик институти фақат таълим йўналишидаги ўқув юрти бўлиб қолмай, жиддий илмий база асосида ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш билан боғлиқ дастурлар, қарорлар лойиҳалари тайёрланадиган илмий ва ташкилий марказга айланиши лозим.

Умид қиламизки, ҳуқуқшунослик институти, мамлакатимизнинг бошқа йирик ўқув ва илмий марказлари бор салоҳиятини миллий ҳуқуқшунослик мактабини яратишга қаратади.

Бу даргоҳда ҳуқуқшунослик фани илмий ва амалиётининг долзарб муаммоларига доир очиқ ва кенг баҳс-мунозаралар олиб борилади, ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш, қонунлар тайёрлашнинг истиқболли дастурлари тайёрланади.

Ҳурматли депутатлар!

“Прокуратура тўғрисида”ги қонун муҳокама этилиши муносабати билан яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман.

Қонунни ҳимоя қилиш, суд, прокуратура органларининг асосий вазифаси, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг ўз ҳуқуқларини, қонунларни яхши билишларига эришиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича самарали иш олиб боришдан иборатдир.

Биз мана шу оддий ҳақиқатни тушуниб етсак, ўшанда жамиятимизда жиноятчилар сони ҳам, эҳтимол, бу соҳада ишловчи ходимларнинг сони ҳам кескин камаяди.

Аммо бугунги кунда, айтиш мумкинки, тушуниб бўлмайдиган, қандайдир мавҳум вазият юзага келмоқда.

Биз ҳали ҳам болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига етарлича эътибор бермаяпмиз. Мактаблардаги ўқув дастурларида қонунларни, ҳуқуқий тизимимизнинг асосларини ўрганишга амалда эътибор берилмаяпти.

Таажжубланиб айтмоқчиманки, бу масалалар билан оилалар ҳам, жамоатчилик ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ҳам самарали тарзда шуғулланмаяпти. Биз инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят қилганда ёки қонунни буза бошлагандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан “муваффақиятли” кураша бошлаймиз.

Келинг, азиз дўстлар, бир ўйлаб кўрайлик. Вақт ўтгач, бундай салбий ҳолатларга қарши курашгандан кўра, аввал-бошдан бундай қонун бузилишларининг олдини олган яхши эмасми?

Ҳуқуқбузарлик қилган инсон ҳали ёш, дунёқараши ва ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган, қонунларга итоат қилувчи киши қилиб тарбиялаш мумкин бўлган пайтда аниқ мақсадни кўзлаб, унинг тарбияси билан шуғулланган яхши эмасмиди?

Бу масаланинг ҳал этилиши прокуратура идоралари, бутун ҳуқуқий тизимимиз ва умуман, жамиятимиз учун асосий фаолият йўналиши бўлмоғи керак.

Азиз юртдошлар!

Шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини, бутун жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунларнинг қабул қилиниши, бир томондан, фуқароларнинг бу қонунларни ҳурмат этиши ва уларга амал қилиши шарти бўлса, бошқа томондан, бугун ўз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлаш арафасида турган мамлакатимизнинг изчил демократик тараққиёти гаровидир.

Сўзимнинг ниҳоясида, ҳурматли депутатлар, сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни энг азиз, энг улуғ байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги билан яна бир бор муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизларга, барча Ўзбекистон фуқароларига тинчлик-омонлик, бахт-саодат, фаровонлик тилайман.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси тўғрисидаги АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз асосий молия ҳужжатининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокамасида Бўзатов тумани ҳокими А.Жуманов, Ғаллаорол туманидаги “Тозауруғ” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Норқулов иштирок этдилар.

Депутатлар “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунларнинг лойиҳаларини муҳокама этдилар ва қабул қилдилар. Парламент Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Фуқаролик-процессуал кодексларини қайта нашр этиш бўйича комиссия тузди.

Олий Мажлис Кенгашининг аъзоси М.Сафоева “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини депутатларга тақдим этди. Бойсун тумани ҳокими Т.Ҳамроев, Шаҳрисабз тумани марказий касалхонаси бош врачи П.Бадалбоева, Хўжайли туманидаги “Тошкент” ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Х.Шерибоев, Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш институти Фарғона филиалининг илмий ходими М.Раҳматов нутқларидан кейин депутатлар Қонунни ва уни амалга киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилдилар.

Янги таҳрирдаги “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси депутатларга Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев томонидан тақдим этилди. Бу масала муҳокамасида “Совпластитал” Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасининг бош директори А.Мелкумов, Пахтачи тумани ҳокими Э.Умматов, Сурхондарё вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли 13-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси директори Э.Донаев иштирок этдилар. Депутатлар янги таҳрирдаги “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонунни ҳамда мазкур Қонунни амалга киритиш тартиби тўғрисидаги қарорни қабул қилдилар.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси бугун ўз ишини давом эттиради.

## Байрам кўргазмаси

Тошкентда янги санъат кошонаси — «Замонавий санъат маркази» иш бошлади. Ўзбекистон Бадиий академияси Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Бадиий кўргазмалар дирекцияси билан мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишлаб ташкил этган «Энг улуғ, энг азиз» бадиий кўргазмаси унинг дастлабки тадбири бўлди.

Мазкур санъат байрами икки босқичда ўтади. 29 августда очилган биринчи босқичда тасвирий санъатнинг барча тур ва йўналишлари бўйича мустақиллик йиллари яратилган уч юзга яқин асар намойиш қилинади. 20 сентябрда эса безакли-амалий санъат усталарининг маҳоратлари кўрсатилади. Унда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан турли авлод вакиллари бўлган санъаткорлар кўплаб йўналишлар бўйича қатнашади.

Тасвирий санъат мухлислари кўргазмада М.Набиев, А.Икромжонов, Р.Чориев, Р.Аҳмедов, Н.Қўзибоев, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов каби таниқли рангтасвирчилар, Т.Тожихўжаев, Д.Рўзибоев, А.Ҳатамов сингари ҳайкалтарошлар, график рассомлардан М.Когаров, А.Мамажонов, М.Содиқовнинг турли мавзуларда яратган ранг-баранг асарлари билан танишади. Бу ерда, шунингдек, ёш ижодкорларнинг ишларига ҳам катта ўрин берилган.

* * *

Йил бошида Бадиий академия «Энг улуғ, энг азиз» мавзуида танлов эълон қилган эди. «Замонавий санъат маркази»нинг концерт залида ана шу танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди. Бадиий академия раиси Т.Қўзиев ғолибларга танлов дипломлари ва мукофотларини топширди.

**Б.МАНСУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Жазо ўринли бўлса жиноят камаяди

**Олий Мажлиснинг олтинчи сессияси биринчи иш кунида Президент нутқини тинглаган бир гуруҳ депутатларга мухбиримиз «Сиз-чи? Сиз қандай фикрдасиз?» деган савол билан мурожаат қилди.**



**Исроил ЭРБЕКОВ, 130-Боёвут сайлов округидан депутат:**

— Президентимизнинг сессия биринчи иш кунидаги маъruzаларини суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми, деб аташ мумкин. Менга Юртбошимизнинг нутқидаги қуйидаги бир гап жуда ҳам таъсир қилди: жазо муқаррар бўлиши керак. Бу жуда ҳам чуқур ва кенг маънога эга. Агар ҳар бир фуқаро «Мен жиноят қилсам, албатта, мени жазолашади, жазодан қочиб қутулолмайман» деб ўйласа ва шунга ишонса, жиноят ўз-ўзидан камайиб кетади. Зеро, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлардан кутилаётган асосий мақсад ҳам ана шу, деб ўйлайман.

**Рустам ИСМАТУЛЛАЕВ, 93-Тошбулоқ сайлов округидан депутат:**

— Президентимизнинг нутқини тинглаб, ён дафтаримга у кишининг «Жазо — огоҳлантирувчи восита бўлиши керак» деган сўзларини алоҳида қайд қилиб қўйдим. Жазо нима учун берилади? Албатта, жиноятга қўл урган кишини бундай ёмон йўлдан қайтариш учун, огоҳлантириш учун. Мен бу гапнинг замирида катта инсонпарварлик ётибди, деб ўйлайман. Ҳар қандай шафқат, ҳар қандай инсонпарварлик ўзининг ортидан яна бир инсонпарварликни етаклаб келиши шубҳасиз. Модомики, шундай экан, инсонпарварликка йўғрилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ҳам эртага ўзининг самараси — меваларини бериши муқаррар.



**Раҳмон МУҲАММАДИЕВ, 149-Сурхон сайлов округидан депутат:**

— Халқимизнинг мулкига айланиб қолган «Куч — адолатда» деган ибора бор. Демак, қаерда адолат қарор топса, ўша ерда соғлом куч, соғлом жамият пайдо бўлади. Суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотларни амалга оширишдан асосий мақсад ҳам жамиятда адолат тамойилларини қарор топтиришдан иборат. Президентимиз бир маърузаларида «Халқимиз ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди» деган эдилар. Соғлом жамият учун жиноятчини жазолашдан кўра, жиноятнинг олдини олиш муҳимроқдир. Юртбошимиз бизнинг ҳаммамизни ана шундай мақсад сари ундамоқдалар. Ушбу маъруза суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда дастуриламал бўлиши шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Исмат ХУДОЁРОВ**
**ёзиб олди.**
**Нўъмонжон**
**МУҲАММАДЖОНОВ**
**олган суратлар.**



## «Санъатнинг миллати бўлмас»

### — дейди ҳиндистонлик қўшиқчи Ёр Муҳаммад

**Шарқнинг энг яхши миллий қўшиқ ижрочиси ким бўлади? Биринчи, иккинчи ва кейинги ўринлар, рағбатлантирувчи мукофотлр қайси қўшиқчиларга насиб этади? Бу саволлар жавоби «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қатнашчиларию уни кузатиб бораётганларни қизиқтириши табиий. Кўҳна Регистонда бугун бўлиб ўтадиган тантанали ёпилиш маросимида ҳаммаси равшанлашади. Ташкилотчилар фестиваль ёпилишини худди очилиш маросимидагидек ташкил этишга ваъда беришаяпти.**

Демак, Регистон бу кеч яна минглаб қувончу шодликдан сармаст дилларни ўз бағрига чорлайди. Ғолиблар тақдирланади. Унга қадар эса «Мўъжиза» амфитеатри, марказий маданият ва истироҳат боғи, «Ёшлик» боғи, «Шоирлар» боғи каби томошагоҳларда «Энг яхши миллий қўшиқ ижроси учун» танлови давом этади. Ижрочи ва меҳмонларга ҳомийлар ҳамда жамоат ташкилотларининг махсус совринлари, совғалари топширилади, журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу нуфузли фестивалга хориж журналистларининг қизиқишлари ниҳоятда катта. Ҳатто Европаю Америкадан ҳам вакиллар келишган. Чилилик 6 нафар журналист фестивалда ўз шахсий жамғармалари ҳисобидан қатнашяпти. Ҳиндистон, Буюк Британия, Германия каби яна бир қанча давлатлар журналистлари ҳам Шарқ мусиқасидан баҳраманд бўлиш, фестиваль баҳонасида Ўзбекистон билан танишиш учун харажатдан қочишмабди. Улар билан суҳбатлашсангиз, Самарқанддек мўътабар шаҳарга «Шарқ тароналари»дек нуфузли анжуманлар узукка қўйилган кўздек ярашишини эътироф этишади.

Ҳиндистонлик қўшиқчи Ёр Муҳаммад ҳинд ва ўзбек урф-одатлари, маданияти ва санъатидаги ўхшашликни сўзлайди, фестиваль ҳақида самимий фикрларини баён этади. Санъатнинг миллати бўлмаслигини таъкидлайди.

— Бир-икки кундаёқ англадимки, — дейди у, — икки халқнинг ўхшашлик томонлари кўп. Ҳатто рақслари ўртасида ҳам фарқ кам. Айрим сўзларимиз маъноси бир хил. Самарқандда биринчи бор бўлишим. Шаҳар менга жудаям маъқул келди. Тарихий ёдгорликларига қойил қолмаслик мумкин эмас. Фестивалнинг очилиши эса ўзбекларнинг маданияти ва санъати юқори даражада эканини кўрсатди. Халқаро миқёсдаги кўплаб анжуманларда қатнашганман. Лекин Самарқанддагидек фестивални кўрмаганман.

— Биринчи фестивалда юртдошимиз Симара Имановванинг ғолиб бўлгани бизни ниҳоятда қувонтирганди, — дейди озарбойжонлик қўшиқчи Гамза Алим Касумов. — Гуруҳимиз 9 кишидан иборат. Асосан миллий, мумтоз қўшиқлар ижро этамиз. Фестивалда қатнашишдан мақсад ғолиблик учун курашиш эмас, балки ўз миллатимиз санъатини тарғибу ташвиқ қилиш, деб ўйлайман.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# ОРЗУЛАРИ ЭГИЗ ЭЛМИЗ




***Ҳар биримизда ҳам қалб бор, кўнгил бор. Баъзан ширин энтикиш, айрим ҳолларда эса ташвиш чекадиган ана шу кўнгилни ўзига хос саройга ўхшатаман мен. Бу саройга нигоҳ ташласангиз, энг аввало, Ватан сиймоси намоён бўлади. Ҳаёт жуда қизиқ-да: инсон шу Ватанда яшайди. Ватан эса одамзоднинг кўнглига макон қуради.***

Агар мендан Ватан ҳақида сўрасалар шундай жавоб бераман: у аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан — вақти-соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган замин. Тоғдек таянчимиздир у. Бу ҳақиқатни ҳис қилган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовларига доим тайёр туради ва сабр-бардош билан енгиб ўтади.

Эрта-индин мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини нишонлаймиз. Ҳуррият, Истиқлол деб аталмиш ана шу буюк неъматга эришгунча ҳам халқимиз қанчадан-қанча мусибатларни бошидан кечирмади дейсиз? Лекин, барибир, мана, матонат билан курашиб ўз ниятига етди. Айтмоқчиманки, қувончу қийинчиликлар ҳаммаси ўткинчи. Мустақиллик — абадий!

Энди уни ҳеч кимга бериб қўймаймиз. Энди биз мустақилликни нафақат манглайимизни яраклатган офтоб, балки иқтисодий тушунча сифатида қабул қилаяпмиз. Ҳар биримиз ўз иш ўрнимизда самарадорликни оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Чунки биз — орзулари эгиз элмиз. Чунки биз биламиз, шундай қилсаккина турмушимиз фаровон кечади. Фақат шундагина мустақилликка муносиб бўламиз.

Мен меҳнат қилаётган Одил Бекхўжаев номидаги нон корхонасида ҳам кейинги йилларда самарадорлик кескин оширилди. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Технологияни, дастгоҳу мосламаларни янгилаш эвазига рўй берди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 1539 тонна сифатли нон ва нон маҳсулотлари истеъмолчиларга етказилди. Шунингдек, 18,6 тонна қандолат, 27,4 тонна макарон маҳсулотлари ҳам ўз харидорини топди. Олти ойлик даромадимиз эса 10 миллион 578 минг сўмни ташкил этди.

Бозор ҳаммамизни боқади, деймиз. Бу гапда жон бор. Бироқ шиддатли замон уни бошқача талқин қилишга ундаётир. Бозор — сифатли маҳсулот эгасини боқади. Соғлом рақобатда олдинги ўринда юрганнинг ҳаётини ширин, ишини беш қилади. «Инкорни инкор» деганларидек, яна савол туғилади: хўш, кимнинг иши беш бўлади? Кўнгли тўқнинг, ташаббускорнинг, изланувчаннинг. Юртимизнинг тинчлиги, Юртбошимизнинг омонлиги кўнглимизни тўқ қилиб турибди. Демак, биздан фақат икки нарса талаб қилинади: ташаббускорлик, изланувчанлик. Кўпчилик қўшилади, деб ўйлайман бу фикрга. Зеро, халқимизнинг мақсади бир, муддаоси ягона. Орзулари эса эгиздир.

**Мақсуд МАҲМУДОВ.**
**Янгийўл тумани.**

*Банк тизими*



# МЕЗОН — дунё андозалари

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, иқтисодиёт олдида ниҳоятда улкан вазифалар турарди. Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан банк тизими олдига макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани муомалага чиқариш ва аҳолининг унга бўлган талабини қондириш масалалари қўйилди. Ўтган давр мобайнида бу иш аста-секинлик билан амалга оширилиб, кўзда тутилган вазифалар айни пайтда тўла-тўкис бажарилди.

Албатта, бундай ютуқлар осонликча қўлга киритилгани йўқ. Аввало, юртимизда ўтказилаётган одил сиёсат, иқтисодиётнинг сиёсатдан устун қўйилганлиги, бозор иқтисодиётига маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, босқичма-босқич ўтилганлиги муваффақиятлар омили бўлди. Шу боис барча соҳаларда барқарорликка эришилди. Кўплаб тармоқларда мустақиллик қўлга киритилди. Республикамиз хомашё манбаидан саноати ривожланган давлатлар қаторидан жой олишни режалаштирмоқда.

Истиқлол бизга барча соҳаларда катта имкониятлар яратиб берди. Айниқса, ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қурилган қўшма корхоналар иқтисодиётимизни мустаҳкамлашга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Уларда ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош турли хил маҳсулотлар эса халқимиз томонидан севиб харид қилинаяпти. Банк тизимида ҳам вужудга келган ҳамкорлик бугун ўзининг ижобий самарасини беряпти. Туркия давлати билан биргаликда ташкил этилган Ўзбекистон — Туркия банки фаолияти фикримизнинг далилидир.

Мазкур молиявий муассаса 1993 йил 25 октябрдан бошлаб мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектларга ва бизда фаолият юритаётган хориж корхоналарига хизмат кўрсата бошлади. Банк ўз капиталини йилдан-йилга ошириб бораяпти. Ўтган йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш даражаси ошиб, хизмат турлари кўпайиб, берилаётган кредитлар миқдори ҳам ортди. Табиийки, мижозлар сони ҳам бир неча баробар кўпайди. Масалан, дастлабки пайтда банк саноқли мижозлар билан иш бошлаган бўлса, ҳозир уларнинг сони 3221 тага етди. Мижозлар орасида чет эл корхоналари, фирмалари ва жисмоний шахслар 1176 тани ташкил этади. Ўтган вақт мобайнида банкнинг Низом жамғармаси ҳам ўсиб борди. Айни пайтда у 1.100 миллион сўмдан иборат.

Бизнинг асосий вазифаларимиз мижозларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш, юридик ва жисмоний шахсларга кун давомида чекланмаган миқдорда миллий ва хорижий валюталарда тўлов операцияларини амалга ошириш, тўловлар ва бошқа хизмат турлари бўйича олинадиган фоизлар миқдорини пасайтириш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатишдан иборат.

Молиявий муассасамиз 1999 йилдан буён ривожланган мамлакатлардаги банклар билан ташқи иқтисодий алоқаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Улар орасида Америка, Германия, Бельгия, Туркия, Англия каби давлатларнинг бир неча банклари бор.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил олти ойлик якунларига бағишланган мажлисида кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаб, бу борада ривожланган мамлакатлардаги ютуқларни ва бой тажрибани мисол қилиб кўрсатди. Дарҳақиқат, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Шу боис биз ушбу соҳага алоҳида эътибор бериб, мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган мижозларни қўллаб-қувватлаяпмиз. Масалан, ўтган йил жами 500 миллион сўм кредит берилган бўлса, унинг 70 фоизи ўрта ва кичик бизнесга йўналтирилди. Жорий йилнинг ярмида берилган 148 миллион сўм кредитнинг ҳаммаси ушбу соҳага ажратилди.

Берилаётган маблағлар хорижий мамлакатлардан замонавий технологиялар харид қилишга ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилаяпти. Мисолларга мурожаат қилайлик. Жорий йилнинг бошида Тошкент шаҳридаги «Дилоро» тижорат-ишлаб чиқариш корхонасига чет элдан бир марта ишлатиладиган елим идишларга маъданли сув ва салқин ичимликлар қуядиган замонавий технология линияси сотиб олиш учун 13 миллион сўм ажратилди. Ҳозир бу ерда турли хилдаги чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариляпти. «Добро Ташкент» шўъба корхонасига ҳам ёғни тозалаб, экологик жиҳатдан соф маҳсулот ишлаб чиқариш учун 70 миллион сўм кредит берилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ажратилаётган маблағлардан оқилона фойдаланаётганлиги боис банк мижозлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мамлакатимиз истеъмол бозорини тўлдиришга ёрдамлашаяпти.

Молиявий муассасамизда қимматли қоғозлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор беряпти. Улар билан банк операциялари амалга оширилмоқда. Мазкур йўналишдан эса катта фойда олишга эришилмоқда. Бозордан қисқа муддатли давлат облигациялари билан бирга узоқ муддатли облигациялар ҳам сотиб олинмоқда. Уларга ўз вақтида дивиденд олиняпти. Шунингдек, банк маблағларидан янада самарали фойдаланиш мақсадида «Пахтабанк» ва «Алп Жамол банк»ка депозит сифатида, чет эл валютаси эса Туркия ва Америкада жойлашган йирик банкларга ана шундай мақсадларда қўйилаяпти.

Хуллас, банкимиз мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Мақсадимиз хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштириш, мижозлар иқтисодиётини мустаҳкамлашга ёрдам бериш ва банклар ўртасида рақобат кучайган бир пайтда улар орасида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни топишдир.

**Камолиддин НУРИДДИНОВ,**
**Ўзбекистон-Туркия банки бошқаруви раиси муовини.**

UZBEKISTAN TURKISH BANK

**Ўзбекистон-Туркия банки**
**жамоаси**
**мамлакатимизнинг барча фуқароларини Истиқлолнинг 10 йиллиги байрами билан чин дилдан самимий табриклайди.**

***Ҳаммага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларида омад ва муваффақиятлар тилайди.***

***Азиз юртдошлар!***

***Банкимиз қардош Туркия давлати билан ҳамкорликда ташкил этилган бўлиб, мустақиллик меваси ҳисобланади. Биз мулк шаклидан қатъи назар, Ватанимиздаги барча корхоналарга ва республикамизда фаолият кўрсатаётган хориж корхоналари ва фирмаларига хизмат кўрсатаётганимиздан фахрланамиз. Молиявий муассасамиз аҳли келгусида ҳам давлатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверади.***

**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!**

*Ўзбекистон-Туркия банки бошқаруви.*








Nihol

Азиз дўстлар!
Ҳаммангизни Мустақиллик
куни билан табриклаймиз!
Биз учун мамлакатимизда содир
бўлаётган барча воқеалар азиз
ва қимматлидир. Юртимизнинг истиқболи
кўркам ва мафтункордир.
Ишончимиз комилки, ўз
азиз Ватанимизнинг бойлигига
бойлик қўшиб, ҳаётимизни янада
фаровонроқ қилиб бораверамиз.

Хурмат билан "NIHOL" компанияси.

Байрам муносабати билан "NIHOL"
фирмаси 31 август — 1 сентябр
кунлари Интернетга бепул кириш
имконини беради.
Тел.: 137 - 07 - 03
login: nihol , password: nihol

Kamalak-TV

# «Камалак-ТВ»

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси
жамоаси

Ўзбекистон халқини улуғ айём —
## Истиқлолнинг 10 йиллиги
## билан
чин дилдан муборакбод этади!

Барчага бахт-саодат, фаровонлик, қувонч,
Ватанимиз порлоқ келажагини яратиш ишларида
улкан зафарлар тилаймиз.




«Камалак-ТВ» ҚК.

# «ЎЗПАХТАСАНОАТ»

уюшмаси





Ўзбекистоннинг меҳнатсевар ва иқтидорли
халқини яқинлашиб келаётган ёрқин байрам —

## Ўзбекистон Республикаси
## Мустақиллигининг 10 йиллиги билан

муборакбод этади!



Барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлида,
халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни
мустаҳкамлаш ва ривожлантириш борасидаги
меҳнатингизда чин дилдан улкан зафарлар тилаймиз.

«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ВА УНИНГ ШЎЪБА КОРХОНАЛАРИ

кўп миллатли, меҳнаткаш
Ўзбекистон халқини

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ

билан чин дилдан табриклайди!

Ишончимиз комилки, биз танлаган йўл ҳар биримиз учун тараққиёт, фаровонлик йўли бўлади. Порлоқ манзиллар сари, озод ва обод Ватанни буюк келажакка элтувчи йўл бўлади.
Барчангизга тинчлик ва меҳр-мурувват, ҳар бир оилага сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, жонажон Ватанимиз равнақи йўлидаги интилишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

БАХТЛИ БЎЛИНГЛАР!
БИЗ ДОИМО СИЗ БИЛАН БИРГАМИЗ!

«СОВПЛАСТИТАЛ» ҚК,
«СОВПЛАСТИТАЛ ва МВМ» ҚК,
«СОВПЛАСТИТАЛ ва СОНЬЯ» ҚК,
«СОВПЛАСТИТАЛ ва ТАБОР» ҚК,
«ИТАЛФУД» ҚК,
«ТАШИНВЕСТПЛАСТ» ҚК.

4701



Азиз ватандошлар
ва юртимиз меҳмонлари!

«Ал-Машриқ»
шўъба корхонаси жамоаси

барчангизни яқинлашиб келаётган улуғ айём –

## Мустақилликнинг 10 йиллиги

билан чин дилдан муборакбод этади!

Серқуёш Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча миллат ва элат вакилларига тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт ва улкан зафарлар тилаймиз.

Бахт ва омад барчангизга ҳамроҳ бўлсин.
Беғубор осмонимизда
Мустақиллик қуёши
доимо порлайверсин!



4688

# ЎзДЭУ Банк



Ўзбекистон халқини
Истиқлолнинг 10 йиллик
шодиёнаси билан табриклайди,
барчага бахт-саодат ва
фаровонлик тилайди.



Мустақиллик байрами муносабати билан **халқаро Visa карточкаларининг бепул чиқарилиши 15 сентябргача давом этади.**

ЯГОНА ДУНЁ — ЯГОНА ВАЛЮТА VISA

ЎзДЭУ Банк, Пушкин к., 1, тел.: 132-10-00, 120-80-00, Миробод филиали, Бухоро к., 1, тел.: 133-34-46, 133-21-89.
Интернет: www.daewoobank.com

4592




## Саховат поезди Қўнғиротда

Экологик мураккаб шароитда яшаётган Оролбўйи болаларига аталган навбатдаги саховат поезди Қўнғиротга келди.

Бу гал Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида истиқомат қилаётган ногирон болалар учун Тошкент шаҳар ногирон болалар саломатлигини тиклаш ва такомиллашган таълим бериш тиббиёт ва педагогика маркази беғараз ёрдам кўрсатди.

— Байрам арафасида қорақалпоғистонлик болаларга совға сифатида 2,5 миллион сўмлик дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўйинчоқлар олиб келдик, — деди ушбу марказ раҳбари В.Аминова.

Қўшхабар

## Ёшлар мажмуи очилди

Мустақиллик байрами арафасида Беруний тумани ёшлари муносиб совға олди. Туман марказида фойдаланишга топширилган замонавий бино “Ёшлар мажмуи” деб номланди. Унинг биринчи қаватида меҳмонхона, бахт уйи, гўзаллик салони, суратхона, иккинчи қаватида минимаркет, ресторан жойлашган.

Ёшларнинг севимли масканига айланиши кутилаётган бу иншоот “Берунийтутунув” акционерлик жамияти маблағи ҳисобига барпо этилди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**






*Мустақиллик йиллари Ўзбекистонимизнинг турли шаҳар ва гўшаларида бунёд қилинган катта-кичик меъморий обидалар тўғрисида ўйлар эканман, бир фикр хаёлимни тортди: қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарларда аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган осори-атиқа мажмуаларини завқ-шавқ билан, ғурур ва эҳтиром билан томоша қилар эканмиз, бу обидаларнинг асрлар давомида бунёд бўлганлиги дафъатан хаёлимизга келмайди. Гўё улар ҳозирги кўринишларида доимо мавжуд бўлгандай... Аслида, уларни аждодларимизнинг кетма-кет ўтган неча-неча авлодлари яратганлар, сайқал берганлар.*

# Бунёдкор ўлка

## ёки Истиқлол меъморчилигига бир назар

Энг улуғ байрамимизнинг 10 йиллиги арафасида тарихан қисқа вақтда қад кўтарган йирик меъморчилик обидалари ўта тезкорлик билан, бунёдкорликка ташна халқимиз томонидан яратилганлигини таъкидлаш ўта мароқлидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг бошқа соҳаларда бўлгани каби меъморчиликда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Илк қадамлар, илгари йиллар бўйи тугалланмай «ётиб, тўхтатиб қўйилган қурилишларни» ниҳоясига етказиш, тартибга солишдан бошланди. «Наврўз» ресторани ва «Бахт уйи» мажмуаси, 80-йиллардан бошланган ва тўхтаб қолган «Туркистон» саройи, йирик жамоат бинолари, мактаб, боғча ва яслилар, турар жой даҳаларининг қуриб битказилиши фикримиз далилидир.

Шуниси қувонарлики, ўзлигимиз манбаларига мурожаат қилиш иқтисодий, моддий, ҳуқуқий ва бошқа муаммолар қаторида долзарб масала бўлиб қолди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Фармони билан пойтахтнинг хушманзара гўшасида буюк саркарда, давлат арбоби Амир Темур ҳайкали ўрнатилиб, хиёбон ва музей бунёд этилиши, Самарқандда, Шаҳрисабзда ва бошқа жойларда Соҳибқирон Амир Темур номини абадийлаштириш билан боғлиқ қурилишлар, ҳайкалларнинг ўрнатилиши ва ободончилик ишларининг амалга оширилиши улуғ боболонимизга чексиз эҳтиром намунаси бўлди.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали ва «Миллий боғ»нинг яратилиши, Наманганда Машраб ва Андижонда Бобур боғларининг ҳамда Бухоро вилоятида «Нақшбандия» тариқатининг асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуаси таъмирланиб, катта ободончилик ишлари бажарилганлиги катта воқеа бўлди.

Диёримиз азалдан йирик маданият ўчоғи бўлган. Бинобарин, биз бой тарихий, меъморий ва маданий меросга эгамиз. Бухоро, Хива ва Термизнинг катта юбилей тўйлари нишонланиши ва шу муносабат билан қисқа муддат ичида амалга оширилган қурилишлар ва аждодларимиз ёдгорликларини, мақбараларини тиклаш каби бунёдкорлик ишлари, мазмуни ва ҳажми жиҳатдан асрларга тенгдир. Жумладан, ҳадисшунос олим буюк аллома Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилояти Челак туманининг Хартанг қишлоғида анъанавий меъморий услубда ўта қисқа муддат — 8 ой ичида ёдгорлик мажмуи барпо этилди (1998 й.) Бу мажмуада мақбара, масжид, маъмурий бино, кутубхона ва ошхона каби иншоотлар жуда кўркам ва қулай жойлаштирилган.

Фарғона ва Қувада улуғ мунажжим, қомусий олим Ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейи муносабати билан барпо қилинган кенг миқёсдаги ободончилик намуналари — Фарғоний оромгоҳи, Қува Шаҳристонининг тикланиши Ватанимиз кўркига кўрк бўлиб қўшилди. Шунингдек, ислом дунёсида машҳур аллома Имом Ал-Мотуридий қабри устида Самарқандда қурилган ёдгорлик мажмуи, бутун дунё тан олган буюк аждодимиз, фақиҳ олим Бурҳониддин Ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги муносабати билан Марғилон шаҳрида қад кўтарган ёдгорлик мажмуалари ҳам қадимий анъаналаримизга асосланган истиқлол меъморчилигимизнинг бетакрор обидаларига айланиб қолди.

Президентимиз ташаббуси билан Ватанимизнинг Бош майдони — Мустақиллик майдонида халқимизнинг тарихий хотираси ва қадрлаш салоҳиятини янада мужассамлаштирувчи азиз маскан бунёд этилди. Юнусободда барпо этилган «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси ҳам халқимиз руҳини кўтарувчи, истиқлол меъморчилигидан ўз ўрнини олган обидадир.

Ўзбек халқи ўзининг ажойиб урф-одатларидан бири — меҳмондўстлиги билан оламга машҳур. Ватанимизга келган меҳмонлар ва, айниқса, хорижлик сайёҳлар халқимизнинг самимийлигидан, юртимизнинг тинч ва осойишталигидан, дастурхонимизнинг тўкинлигидан, кейинги пайтларда улар учун қурилган ҳар томонлама қулайликларга эга бўлган шинам ва кўркам меҳмонхоналардан мамнун бўлмоқдалар.

Мустақиллик йилларида бунёд этилган жаҳон андозаларига мос келадиган Тошкентдаги «Интерконтинентал», французлар билан ҳамкорликда бунёд этилган «Шератон», ҳиндистонликлар билан ҳамкорликда қурилган «Буми Тошкент», Самарқанддаги «Афросиёб», Бухородаги «Бухоро» каби янги меҳмонхоналар ҳар жиҳатдан қулайлиги, кўркам замонавий архитектураси, техникавий-муҳандислик хизматларини ҳал этишда тежамкорликдан ташқари, шаҳарсозликдаги кўркамлиги — яхлит архитектура ансамблларини ташкил этганликлари билан ажралиб туради.

Меҳмондўстлигимиз ҳақида гапирар эканмиз, Ватанимизни дунё билан боғлайдиган, узоқни яқин қиладиган йўллар, аэропортлар бунёд этилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. «Тошкент», «Бухоро», «Самарқанд» аэропортлари янгидан тикланди. Қурилиш ва қайта тиклаш ишлари Япониянинг «Жак» ва «Шимидзу», немисларнинг «Сименс» ва Югославиянинг «Торевик» фирмалари томонидан амалга оширилди. Йўловчилар учун янги терминал қурилди, янги ёруғлик — сигнал ускунаси ўрнатилди. Халқаро мақомга эга аэропорт эндиликда энг замонавий «ҳаво кемаларини» ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қабул қилиш имкониятига эгадир.

Ҳаво йўлларидан ташқари автомобил ва ер ости транспорти магистралларини айтинг. Буни республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри қурилишида яққол кўриш мумкин. Кейинги йилларда бунёд этилган мустаҳкам кўприклар кенг ва равон кўчалар муҳандислик иншоотлари, ер ости — метро бекатлари ўзининг миллий ва замонавий архитектураси билан ажралиб туради.



Мустақиллик йилларида янги ва эски шаҳар ҳудудларида «Деҳқон бозор»лари тубдан қайта қурилиб кенгайтирилди. Фақатгина Тошкентнинг ўзида «Бектемир», «Олой», «Паркент», «Мирообод», «Юнусобод», «Отчопар» каби ўнлаб деҳқон бозорлари бунёд этилди ва қайта таъмирланди. Андижон, Самарқанд, Гулистон, Наманган, Бухоро, Қарши ва бошқа шаҳарларда ҳам катта деҳқон бозорлари қурилди.

Жисмоний тарбия, спорт иншоотлари халқ соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказиш воситаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан барпо этилган халқаро теннис мусобақалари маскани — Тошкентдаги теннис корти, «Жар» спорт мажмуи, Олимпия шон-шуҳрати музейи, Юнусободдаги Марказий Осиёда ягона чўмилиш ҳавзаси, Наманагандаги «Паҳлавон» спорт мажмуи, Андижондаги «Наврўз» футбол стадиони ва бошқа вилоятларимизда, олис қишлоқларда қуриб битказилаётган спорт иншоотлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳукуматимизнинг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалда татбиқ қилиш бўйича мамлакатимизда юзлаб янги касб-ҳунар коллеж ва академик лицейлар қад кўтарди. Уларнинг кўпчилиги «ЎзЛИТИ» институтида ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилиб, уларга ҳар бир туман ва вилоятнинг ўзига хос имконият ва шароитларини ҳисобга олган ҳолда меъморий ечимлар киритилган. Республикадаги йирик институтлар ўртасида ўтказилган танлов бўйича «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ», «Тошгипрогор» ва бошқа ташкилотлар буюртмалар олиб, улар асосида қатор лойиҳалар яратдилар ва амалга татбиқ этдилар. Тошкент шаҳрининг Уйғур кўчасида жойлашган Қурилиш—коммунал касб-ҳунар коллежи ҳам нуфузли ўринлардан бирини эгаллади. Коллежнинг 3-4 гектарлик ҳовлисида ёзги спорт иншоотлари, футбол майдони, сузиш ҳавзаси, теннис кортлари мавжуд. Меъморий ечилмасида ички ҳовлилар, кўргазма заллари ва бошқа барча қулайликлар ҳисобга олинган. Андижон вилоятининг Жаркўрғон туманида «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» лойиҳаси асосида бунёд этилган 300 ўринли касб-ҳунар коллежи, Нукус шаҳридаги саноат коллежи, Урганч шаҳридаги енгил саноат коллежи, Бухоро шаҳридаги қурилиш саноати коллежи, Зарафшон ва Кармана шаҳарларидаги коллежлар, Асака шаҳридаги академик лицей, Янгийўл шаҳридаги академик лицей ва бошқалар бу борада ўрнак бўла олади.

Истиқлол меъморчилигининг юқорида қайд этилган айрим мисоллари ҳамда энг кўзга кўринган гўзал ва шинам бинолардан Олий Мажлис, Оқсарой мажмуаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент биржаси, Тошкентдаги Халқаро Савдо-кўргазма мажмуаси, Марказий, Миллий банк, Консерваториянинг янги биноси, ўзбек ва рус драматик театрлари биноларининг қайта тикланиши, Тошкент ва вилоятларда қурилган йирик жамоат бинолари, турар жой, саноат бинолари, чет элларда қурилган Ўзбекистон Республикасининг элчихоналари шаҳарсозликдаги туб ўзгаришларни алоҳида талқин этишни тақозо этади. Бинобарин миллий ўзлигимизни янада кенг ва чуқурроқ ифодаловчи, тарихий хотирани тикловчи бунёдкорлик, шу қаторда меъморчилик ишлари-қурилишлари айни пайтда шу қадар авж олганки, уларни бир мақолада муфассал ёритишнинг иложи йўқ.

Истиқлол меъморчилигига бир назар ташлаб, ўтган ўн йил ичида амалга оширилган ишларнинг кўламини, аҳамият-моҳиятини чамалаб кўришга уриндик. Асрларга тенг бунёдкорлик ишлари бажарилганлигига, республикамиз шаҳар ва туманларининг бугунги қиёфаси тубдан ўзгариб, гўзаллашиб бораётгани исбот талаб қилмайдиган бир ҳақиқатдир. Келгуси авлодларга биздан қоладиган озод ва обод Ватан меъморчилиги обидалари бундан-да гўзал ва моҳобатли бўлиши шак-шубҳасиздир.

**Тўлқиной ҚОДИРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор, Тошкент архитектура ва қурилиш институтининг профессори.**

---

*Танлов*

# Энг яхши монографиялар тақдирланди

**Мамлакатимиздаги илмий-техник салоҳиятни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, шунингдек, республикамиз олимлари томонидан жаҳон талаблари даражасида бажарилаётган долзарб илмий тадқиқотларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Давлат Илмий-техник ахборот фонди ва Давлат патент идораси Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб мустақиллик йилларида бажарилган илмий ишлар натижаларини ўзида мужассам этган энг яхши монографиялар учун танлов эълон қилган эди.**

Танловда илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ўқув юртлари ва бошқа илмий муассасаларнинг ходимлари, қайси идора тасарруфида бўлишидан қатъи назар, қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Танлов шартига биноан, унинг ғолиблари (ҳар бир илмий йўналиш бўйича бир ўрин) дипломлар ва 500 минг сўм пул мукофоти билан тақдирланиши лозим эди. Танловга ишлар 2001 йил 1 февралдан 15 июлгача қабул қилинди.

Танловга қуйидаги илмий йўналишлар бўйича республика олимларининг монографиялари қабул қилинди: ижтимоий-гуманитар фанлар; математика фанлари; физика-техника фанлари; кимё-технология фанлари; тиббиёт-биология фанлари; ер тўғрисидаги фанлар.

Танловга жами 108 иш қабул қилинди, шундан 17 иш ЎзР ФА илмий ташкилотларидан, 25 иш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари ва илмий муассасаларидан, 28 иш Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташкилотлари, 11 иш Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази илмий-тадқиқот институтларидан эди.

Танлов комиссияси фан йўналишлари бўйича секция экспертизаси ва мустақил экспертларнинг хулосалари таҳлили, шунингдек, комиссия аъзоларининг фикрлари асосида танлов ғолибларини очиқ овоз бериш йўли билан аниқлади.

Қуйидаги ишлар фан йўналишлари бўйича танлов ғолиблари деб топилди:

Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича — Алишер Азизхўжаевнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», Омон Ҳикматовнинг «Ўзбекистон: ўн йил бозор иқтисодиёти йўлидан» монографиялари; математика фанлари бўйича — Шавкат Аюповнинг «Оператор алгебраларда Йордан ҳақиқий ва Ли структуралар» монографияси; физика-техника фанлари бўйича — Носир Йўлдошевнинг «Экситон-поляритонли люминессенция ва кристалларга резонанс нурланишнинг кўчиши» монографияси; кимё-технология фанлари бўйича — Борис Бегловнинг «Кальций нитрати. Унинг хусусиятлари, олиниши ва қишлоқ хўжалигида қўлланилиши» монографияси; тиббиёт-биология фанлари бўйича — Феруз Назировнинг «Эхинококкоз (жарроҳлик усулида даволашнинг морфологик асослари)» монографияси; ер тўғрисидаги фанлар бўйича — Тўрабек Долимовнинг «Геология ва Ўзбекистон Республикасининг фойдали қазилмалари» монографияси.

Танлов ғолибларига дипломлар ва пул мукофотлари куни кеча Фан ва техника давлат қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий анжуманда топширилди.

**Михли САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# «Шарқ миниатюралари» янги мултимедия компакт диски

Ўзбекистон Бадиий академиясида буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги муносабати билан нашр этилган «Шарқ миниатюралари» номли лазер компакт дискининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Компакт диск XIV-XVII асрларга оид 374 та Шарқ миниатюралари мажмуидан иборат бўлиб, улар уч қисмга бўлинган. Улардан 114 таси Камолиддин Беҳзод ва унинг мактабига оид, 136 таси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар мажмуи миниатюралари, 124 таси эса хорижий манбалардан олинган Марказий Осиёга оид миниатюралардир. Бундан ташқари мажмуага 354 та каталаштирилган лавҳалар ҳам киритилган. Ҳар бир миниатюра тўғрисида инглиз тилида изоҳ берилган. Дискдаги классик куйлар Т.Алиматов ва А.Алиматовлар томонидан ижро этилган.

Мазкур дискни тайёрлаш жараёнида Г.Пугаченкова, Э.Бахари, М.Ашрафий, О.Галеркина, Е.Исмоилова, Е.Полякова, З.Раҳимова, Ҳ.Сулаймонов ва Ф.Сулаймоноваларнинг Шарқ миниатюралари ҳақидаги асарларидан фойдаланилган. Маълумки, XIV-XVII асрлар Шарқда тасвирий санъат ривожидаги энг ёрқин давр бўлиб, Самарқанд ва Бухоро, Шероз ва Табриз, Исфаҳон ва Ҳиротнинг йирик миниатюра санъати мактаблари дунёга танилган. Бу даврда Камолиддин Беҳзод моҳир мусаввир сифатида машҳур эди. У тасвирий санъатдаги ўзига хос услуби билан Шарқ миниатюра санъатига улкан ҳисса қўшди. Бугунги давр мўйқаламлари учун у яратган мактаб ноёб андозадир.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ташаббуси билан ЮНЕСКО ҳомийлигидаги SMI компаниялари гуруҳи томонидан амалга оширилган мазкур компакт диск халқимизга муносиб туҳфа бўлди.

**Ғофур ЖАБИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---


**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2715, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ЎТБОСАРОВ.
Навбатчи — О. РАЖАБОВ.
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.50*
1 2 3 4 5 6



**«Б И З Н Е С Б А Н К»**
BUSINESS BANK

республика аҳолисига **«ЎН ЙИЛЛИК»** жамғарма сертификатларини тақдим қилмоқда.

**СЕРТИФИКАТНИ СОТИБ ОЛГАЧ, ҚУЙИДАГИЛАРГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН:**

- *йиллик 36 %;*
- *ҳар ойда тўланадиган фоизлар;*
- *ҳар чоракда 25000 сўм миқдорида ютуқни қўлга киритиш.*

**1 дона жамғарма сертификатининг нархи 100000 (юз минг) сўм.**

*Сертификатнинг амалдаги муддати берилган кундан бошлаб 1 йил.*

*Сотиб олиш масаласи бўйича «Бизнес Банк»га мурожаат қилишингиз мумкин.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Иш тартиби: 09.00 — 17.00.
Тушлик вақти: 13.30 — 14.30.
Телефонлар: 133-86-02, 133-86-30, 133-86-50, 132-08-87.

4720

**Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Verysell-Kafolat» шўъба корхонаси тугатилади. ОКПО бўйича коди 1749097.**
**Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддатда 77-82-52 телефон рақами орқали қабул қилинади.**

*«ЎЗБЕКИНВЕСТ» миллий экспорт-импорт суғурта компаниясининг шўъба корхонаси*
**«Ўзбекинвест Эксиминформ»**
*Маркетинг агентлиги*

**БЎШ ЎРИНЛАРГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**



**Танловда иштирок этувчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:**
**Иқтисод ва молия йўналишларидаги олий маълумот, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда иш тажрибасига эга бўлиш, инглиз ёки бирор бошқа чет тилларини билишдан иборат.**
**Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Лисунов-4 даҳаси, 68-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: 97-85-77, 97-93-03.**

4670


Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радиосининг устоз диктори, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими **Клара ХАЛИЛОВАнинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзинтур» очиқ ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият бошқаруви раиси **Рустам ЭРМАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари, яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси жамоаси «Ўзинтур» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси **Рустам ЭРМАТОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси жамоаси компаниянинг масъул ходими Рифкат Аҳмадуллинга падари бузруквори **ИБАТУЛЛА отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси жамоаси собиқ бош шифокор, Республикада хизмат кўрсатган врач-офтальмолог **Шаҳодат ҲАСАНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

«Тошкентозиқовқаттаъминот» шўъба хўжалиги жамоаси «Сурхондарёвилоятозиқовқаттаъминот» шўъба хўжалик жамиятининг собиқ директори **Омон ЖЎРАҚУЛОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.